# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 16 август, № 161 (5581) Пайшанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакилларидан иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам мулоқотлари, парламентлараро муносабатлар, давлатлараро даражадаги ҳар томонлама ҳамкорлик ҳамда икки мамлакат фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқалар ҳақида сўз борди. Томонлар Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожланиши, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз манфаатларига дахлдор бошқа муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Американинг “General Motors”, “Boeing”, “Lockheed Martin” ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатимизга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди.

Роберт Блейк Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашини, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасидоирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

---

## Фахр

*Музаффар спортчиларимиз ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида битта олтин, 3 та бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллик байрамига ажойиб совға ҳозирлашди.*

*...15 август. “Тошкент” халқаро аэропорти одатдагидан кўра гавжум. Бу ерда ёшу қари, каттаю кичик жамулжам. Кимнингдир қўлида катта гулдаста, яна биров кутаётган одамига зарбоф тўн атаган. Барчанинг ҳаяжони чексиз. Йиғилганларнинг нигоҳига боққан киши Олимпиада ўйинларида юрт шаънини муносиб ҳимоя қилган спортчилар билан дийдорлашишга интиқликни сезиши қийин эмас.*

# Она юртни улуғлаш бахти

**Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз “Тошкент” халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.**

Олимпиадачиларни тантанали кутиб олиш маросимини Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И. Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев ва бошқалар спортчиларимизни юксак зафарлари билан қутлар экан, бу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида спорт ривожига қаратилаётган юксак эътибор самараси эканини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юксак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир. Зеро, Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида қайд этилганидек, “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир”.

Ҳадемай, истиқлолимизнинг қутлуғ йигирма бир йиллигини катта тантана сифатида нишонлаймиз. Бу тарих олдида у қадар узоқ муддат бўлмаса-да, юртимизда шу давр мобайнида асрларга татигулик ютуқларга эришилди. Бугун дунёнинг қаерига борманг, жаҳон харитасида Ўзбекистон деган давлат борлигини, халқимизнинг бунёдкорлигу салоҳиятда тенги йўқлигини билишади, эътироф этишади. Энг муҳими, бу заминда ёшлар тарбиясига, уларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига алоҳида аҳамият қаратилаётгани, ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш бевосита давлат раҳбарининг эътиборида эканлиги барчага аён. Хусусан, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, мамлакатда спортни оммалаштиришнинг ноёб тизимига асос солинди. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари соҳа ривожида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур жамғарма ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди. Қолаверса, кейинги йилларда республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларнинг сафи ҳам тобора кенгайиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

---

## Анжуман

*Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

# Техник ва технологик янгиланиш

**ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда**

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бундай лойиҳалар рўёби нафақат иш самарадорлигини оширади, балки моддий ресурсларни тежаш имконини беради. Шу боис “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси томонидан электр энергияси соҳасини модернизация қилиш, хориж сармояси иштирокида янги қувватларни барпо этиш лойиҳалари изчил амалга оширилаяпти. Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда бу борадаги ишлар самараси ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланишича, электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжни тўлиқ ва узлуксиз қондириш мақсадида 2012 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, 35 та лойиҳа амалга оширилаяпти. Унинг доирасида шу йилнинг олти ойида 548,6 миллиард сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, олтита объект ишга туширилди. Улар ичида энг йирики “Навоий ИЭС”да ўрнатилган 478 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасидир. Япониялик мутахассислар ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ қилинган ушбу лойиҳанинг қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ҳозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари якунланди. У синов муддати тугагач, яъни шу йил октябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилади. Натижада ёқилғи тежалиши баробарида, 3,40 миллиард кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарила бошланади.

Тизимдаги корхоналар учун зарур ускуна ва жиҳозларнинг маҳаллийлаштирилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бунда Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

---

# Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш – давр талаби

*Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларнинг фаоллигини янада кучайтиришда, уларга тенг шароитлар яратишда, кўп партиявийликни ривожлантиришда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ғоят муҳим қадам бўлди.*

## Парламент ҳаёти

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида бир гуруҳ депутатлар томонидан тайёрланган “Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси фракциямиз мажлисида ҳамда Қонунчилик палатасидаги қўмиталарда бўлиб ўтган мажлисларда фракциямиз аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг июль ойида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида деярли барча вилоятларда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга бағишланган қатор семинарлар бўлиб ўтди. Ушбу семинарларда фракциямиз аъзолари ҳам фаол иштирок этишди ва қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ўз электорати вакиллари билан фикр алмашдилар. Таъкидлаш лозимки, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича жойлардаги партиямиз вакиллари ижобий фикрлар билдиришди.

Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласи ҳеч бир сиёсий партияни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Сабаби, сайлов ҳар бир сиёсий партиянинг халқ ўртасидаги обрўсини белгилаб берадиган, уларнинг ғоялари халқ томонидан қай даражада қўллаб-қувватланишини кўрсатадиган энг муҳим синовдир.

(Давоми 2-бетда).

---

# Фаол, зукко ва фидойи

**маҳалла маслаҳатчилари республика кўрик-танловида муносиб тақдирландилар**

*Пойтахтимизда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармаси, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган “Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирликлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, жойлардан келган маҳаллалар фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибасини ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг иштироки, ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Чунончи, бугунги кунда маҳалла — аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида такомиллашиб бормоқда.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг яқинда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур ҳужжатларда фуқаролар йиғинлари фаоллари меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг вазифалари кўламини оширишга алоҳида урғу берилганки, бу фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди, албатта.

— Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, маҳалланинг моҳиятини кенгайтириш ва унинг нуфузини янада ошириш, тизимга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда 8 мингдан ортиқ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Мазкур лавозимларга катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъана ва урф-одатларни ривожлантиришда ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинлангани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

---

## Бир рақам шарҳи

**Модернизациялаш лойиҳаларига молиявий кўмак**

Жорий йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қиймати

**2,6** триллион сўмлик кредитлар ажратилди.

**Бу кўрсаткич 2011 йилнинг шу давридагига таққосланганда, 1,3 баробар кўп бўлиб, иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмининг бундай оширилишига тижорат банклари ресурс базасининг кўпайтирилгани ва инвестициявий фаоллиги кучайтирилгани ҳисобига эришилди.**





# Она юртни улуғлаш бахти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар томонидан қўлга киритилган совринлар сони ва салмоғи сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Масалан, 2008 йилда спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 103 та медални қўлга киритган бўлсалар, ўтган йилда улар томонидан 182 та медаль жамғарилди. Энг муҳими, 2005 — 2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача ўсди, сурункали касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди. Ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ва вазни ошмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар орасида хизматга лойиқ, деб топилганлар сезиларли даражада ортди.

...Биласиз, дунёда спорт бўйича ўтказиладиган мусобақалар беҳисоб. Аммо улар орасида Олимпиада ўйинлари алоҳида нуфузга эга. Ушбу мусобақаларда тенглар ичра тенг бўлиб, муносиб иштирок этиш осон эмас. Масалан, ҳозирги кунга келиб, Халқаро Олимпия қўмитасига 200 дан ортиқ мамлакат аъзо. Ана шу давлатларнинг ҳар биридан келган спортчилар совриндор бўлишга астойдил ҳаракат қилади. Бу, табиийки, беллашувларда кескин рақобатни юзага келтиради. Лондон шаҳри мезбонлик қилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини кузатиш асносида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бир эътибор беринг-а, бу йилги Олимпиада ўйинларида дунёнинг 204 мамлакатидан спортчилар иштирок этган бўлса, шунинг 119 тасидан бирорта ҳам вакил совриндорлар қаторидан жой ололмади. Олтин медалларга эгалик қилган давлатлар сони эса янада камроқ — 54 тани ташкил этди. Айтайлик, 1 миллиард 200 миллион нафардан ортиқ аҳолиси бўлган Ҳиндистон 83 нафар спортчиси билан иштирок этиб, бирорта ҳам олтин медални қўлга кирита олмади. Ёки Олимпия ўйинлари ватани — Греция шарафини ҳимоя қилган 103 нафар атлетдан атиги икки нафари бронза медали билан тақдирланган. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ ўзбекистонлик спортчиларнинг XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қўлга киритган ютуқлари салмоғи нақадар юқори эканлигини яққол кўрсатади.

Албатта, ушбу муваффақиятга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Спортчиларимизнинг ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига пухта ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилгани бунда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори асосида атлетларимиз учун уч босқичли тайёргарлик дастури ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилди. Бундай юксак эътибор туфайли 53 нафар ҳамюртимиз спортнинг 16 тури бўйича беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Улардан Артур Таймазов (эркин кураш) олтин, Сослан Тигиев (эркин кураш), Ришод Собиров (дзюдо) ва Аббос Атоев (бокс) бронза медаллари билан тақдирланди.

— Олимпиада ўйинларига жўнаб кетишдан олдин Лондондан олтин медаль билан қайтишни мақсад қилгандим, — дейди эркин кураш бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов. — Бунга эришганимдан жуда ҳам хурсандман. Бу соврин бутун ўзбек халқининг муваффақиятидир. Чунки мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши, давлатимизнинг юксак эътибори туфайли биз, спортчилар ана шундай натижаларга эришмоқдамиз. Бизни кутиб олишга чиққан барча-барчани ва ватандошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами билан самимий табриклайман.

— Биз, спортчилар Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Ришод Собиров. — Чунки давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрлиги, эътибори, мунтазам қўллаб-қувватлаши туфайли энг нуфузли халқаро турнирларда иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлашга муваффақ бўлаяпмиз. Лондонда олтин медални қўлга киритишни жуда хоҳлагандим. Афсуски, беллашувларда омад мендан бир оз юз ўгирди. Лекин бу билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Насиб қилса, 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида, албатта, ўз мақсадимга эришаман.

— Бизни кутиб олиш учун чиққан, умуман, мусобақалар давомида ғойибона олқишлаб турган мухлисларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз, — дейди бокс бўйича XXX ёзги Олимпиада ўйинлари совриндори Аббос Атоев. — Мухлисларни хурсанд қилишга астойдил интилдим. Агар улар, оз бўлса-да, ғалабамдан қувонган бўлишса, мен ҳам бундан бахтиёрман.

— Ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак, — дейди Аббос Атоевнинг отаси Абдураззоқ Эсонов. — Бугун мен ҳар қанча ғурурлансам, фахрлансам арзийдики, ўғлим нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди. Унинг бундай муваффақиятга эришишида мамлакатимизда Президентимиз томонидан ёшларни маънан ва жисмонан баркамол шахслар қилиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор мужассам. Ишончим комилки, бундай ғамхўрликни дилдан ҳис қилган ўғил-қизларимиз яна кўплаб Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтарадилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 14 августдаги "Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан, Ришод Собиров ҳамда Сослан Тигиев "Ўзбекистон ифтихори", Аббос Атоев "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвонлари билан, шунингдек, Артур Таймазов "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

# Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш – давр талаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг учун, гарчи мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан киритилган бўлса-да, биринчи ўқишда муҳокама қилишда унинг долзарблигини ҳамда мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, бизнинг фракциямиз аъзолари томонидан ҳам тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ушбу қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши, авваламбор, партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини англатади. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормалар назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳасида "Сайловолди ташвиқоти" тушунчасига аниқ таъриф берилиши ва барча сиёсий партиялар учун бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларининг бир хилда белгилаб қўйилиши партиялараро рақобатнинг кучайиши шароитида барча сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратиб беради.

Қонун лойиҳасида овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норманинг белгиланиши сиёсий партиялар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сайловолди ташвиқотини ўтказишда бундай чекловнинг белгиланиши сайловчиларга ўз нуқтаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишга қўшимча вақт беради. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ҳамда қоидабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини бартараф этиш имконини яратади.

Бинобарин, қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган бошқа бир қатор ўзгартишлар ҳам сиёсий партиялар учун сайловларда тўлақонли иштирок этиши учун қўшимча имкониятлар туғдиради. Сайловга оид қонун ҳужжатларининг изчил такомиллаштирилиши, энг аввало, сиёсий партиялар учун ниҳоятда муҳимдир. Бугунги кунда ўз сафларида 370 мингдан зиёд аъзолари бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясида, қонун лойиҳасида белгилаб берилган сайловолди ташвиқотини олиб боришга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, сайлов кампаниясини самарали олиб бориш учун барча ташкилий имкониятлар мавжуд.

Қонун лойиҳаси партиямиз дастурида белгилаб берилган вазифаларни рўёбга чиқаришда янада кенг имкониятлар очади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча даражадаги сайловларда иштирок этар экан, ушбу сайловлар якунлари билан доимо юқори мавқени эгаллашга ҳаракат қилади. Бу билан партиямиз, ўз депутатлик корпуси орқали, қонун ва бошқа давлат қарорларини ўз электорати манфаатларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Пировардида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, таклиф этилаётган нормалар фуқароларимизга сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириши учун янада кенг кафолатлар тизимини яратади.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари.**

## Самарқанд томонларда

***Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Самарқанд шаҳридаги "Бафанда" масъулияти чекланган жамияти қошида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Pour cotton textile" қўшма корхонаси ташкил этилди.***

### Инвестиция ва имконият

Бунинг учун 3 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Шунингдек, мазкур истиқболли лойиҳа рўёби учун банкнинг 220 миллион сўмлик кредити ҳам йўналтирилди. Пировардида маҳаллий ёшлардан 70 нафари иш билан таъминланди. Корхона тўлиқ қувватга эришгач, яна 30 та иш ўрни яратилади.

Энг муҳими, айни пайтда "Pour cotton textile" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг 80 фоизи ташқи бозорга сотилади.

### Маҳсулотлар сархил сақланади

***Қўшработ туманидаги "Саид" хусусий корхонаси раҳбари Саидрасул Жовунов банкдан олган 100 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағи эвазига йилига 120 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган замонавий омборхонани қуриб, ишга туширди.***

— Бу туманимизда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган илк йирик қувват, — дейди тадбиркор. — Эндиликда деҳқонларимиз ўзлари етиштирган ҳосилни қишда ҳам эл дастурхонига тортиқ қилиш имкониятига эга бўлдилар. Шу йил охиригача ҳар бирининг сиғими 150 тонналик яна 2 та омборхонани ишга туширишни режалаштирганмиз. Пировардида 20 дан зиёд иш ўрни вужудга келади.

Қўшработ туманида жорий йилнинг биринчи ярмида барча манбалар ҳисобидан 1962 та иш ўрни яратилгани эътиборлидир.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг асосий мезони

*Олий Мажлис Сенати Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги намунавий халқ депутатлари туманлар Кенгашлари фаолиятини ўрганиш натижаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенат комиссияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, доимий комиссиялар раислари қатнашди.*

## Олий Мажлис Сенатида

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг барча халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, бунга Уйчи, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ, Нурота туманлари Кенгашлари фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур Кенгашларда депутатлар ва доимий комиссиялар аъзоларини сессиялар муҳокамасига киритилаётган масалаларни тайёрлашга жалб этиш, қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари ва минтақавий дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, депутатлик сўрови натижаларини мониторинг қилиш ҳамда электоратни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, доимий комиссиялар ва депутатлар фаолиятидан хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Йиғилишда айрим халқ депутатлари туман Кенгашларида ўз қарорларини ижро этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, доимий комиссия ва депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ва танқидий руҳда муҳокама қилишда депутатлар корпусининг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаётганлиги танқид қилинди. Жумладан, туман Кенгашлари доимий комиссиялари мажлислари ва сессиялари муҳокамасига депутатлар томонидан жуда кам масалалар киритилмоқда. Шунингдек, улар маҳаллий бюджет лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, иш ўринлари ташкил этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда етарлича фаоллик кўрсатмаяпти.

Муҳокама чоғида бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш, маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини қонун ҳужжатлари талаблари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар регламентига ва доимий комиссиялар тўғрисидаги низомга мувофиқ такомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди. Шу вазифалар бўйича иштирокчилар томонидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# Техник ва технологик янгиланиш

## ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Тошкент шаҳрида "Elektr quvvat qurilmalari" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси барпо этилиши туфайли ток трансформаторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда бу ерда йилига 100 минг дона 0,4 кВ кучланишга эга импорт ўрнини босувчи трансформаторлар тайёрлаш имконияти мавжуд. Келажакда 35 кВ кучланишгача бўлган трансформаторлар тайёрлаш ўзлаштирилиши кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Анжуманда қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиб, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришнинг истиқболли лойиҳалари, аҳолига таклиф этилаётган электрон хизматларнинг афзалликлари ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фаол, зукко ва фидойи

## маҳалла маслаҳатчилари республика кўрик-танловида муносиб тақдирландилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Танлов 2005 йилдан буён Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам ўтказиб келинмоқда. Муҳими, унинг нуфузи ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётир. Буни баҳсларнинг ҳудудий босқичларида 8 мингдан зиёд маслаҳатчилар фаол иштирок этганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида ўтказилган мазкур танловнинг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1-ўринга сазовор бўлган 14 нафар маслаҳатчи қатнашди.

— Бугунги кунда Андижон вилоятида мавжуд 966 та фуқаролар йиғинида 866 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият олиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси Одина Ибрагимова. — Улар ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг мақсад ва муддаолари, орзу-интилишларига ошно бўлиш билан бирга, муаммо ва камчиликларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этишга яқиндан кўмаклашиб келишмоқда.

Танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Олтинкўл туманидаги "Миробод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Минурахон Маллаева хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. У маҳаллада истиқомат қилаётган 3055 нафар кишининг қувончу ташвишига шерик. Муҳими, бу ерда оилавий тадбиркорлик ва касаначилик тобора ривожланмоқда. Бугун маҳалладаги уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар сони 128 нафарга етганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу ерда, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги оқилона йўлга қўйилган. Ҳудудда жорий йилнинг ўтган даврида вояга етмаганлар ўртасида бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани ана шу ҳамкорлик самарасидир.



Кўрик-танлов жараёнида иштирокчиларнинг ҳужжатлари, фаолиятига оид кўрсаткичлари ҳамда эришган ютуқлари ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Улар томонидан ўз фаолиятларида дуч келаётган муаммолар, уларни бартараф этишга йўналтирилган турли саҳна кўринишлари ҳам тақдим этилди. Бу чиқишларда, айниқса, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш жараёнлари қамраб олингани кўпчиликка манзур бўлди.

Қизғин кечган баҳсларда маслаҳатчиларнинг зукколиги, топқирлиги ва дунёқараши ҳам синовдан ўтказилди. Шу билан бирга, уларнинг иш фаолиятига оид фотоальбомлар, плакат ва стендлар ҳамда ҳунармандчилик ишлари ва миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди. Пировардида Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридаги "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холида Эргашова биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманидаги "Сариосиё" маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Тамара Орипова ва Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус туманидаги "Саманбай" овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Замира Бердибаевага насиб этди.

— Мустаҳкам оила йилида ташкил қилинган ушбу кўрик-танловда ғолиб бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди танлов ғолиби Х. Эргашова. — Шу билан бирга, у биз учун синов ва маҳорат мактаби бўлганлигини ҳам айтиб ўтишни истардим. Зеро, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган маслаҳатчилар томонидан намойиш этилган бағрикенглик, бунёдкорлик, оилалар тотувлигига оид саҳна кўринишлари биз учун жуда фойдали бўлди, яъни ушбу жараёнда жойларда тўпланган илғор тажрибалар билан яқиндан танишдик. Эндиликда бу билим ва тажрибадан фаолиятимизни янада кучайтиришда унумли фойдаланамиз.

Кўрик-танлов ғолиблари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг дипломи ва эсдалик совғалари, шунингдек, ҳамкор ташкилотларнинг совринлари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Битирувчининг меҳнат дафтарчаси

*Коллеж битирувчиси Ҳамза Ўроқовнинг меҳнат дафтарчаси дастлабки саҳифасида "Шарқ текс люкс" масъулияти чекланган жамияти ишчиси" деган ёзув пайдо бўлди. У айнан шу корхонадан дастлабки маошини ҳам олди.*

### Бандлик

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада Ҳамза каби ўндан зиёд йигит-қизлар меҳнат қилаяпти. Яқинда бу ерда 300 миллион сўмлик маблағ эвазига модернизация тадбирлари амалга оширилди. Буғ қозони, матога пардоз берувчи технологик линия харид қилинди. Натижада тайёрланаётган читнинг тури ўн олтитага етди. Маҳсулот харидоргирлиги ошди. Энергия сарфи эса тенг ярмига қисқарди. Корхонада ойига қирқ миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказилмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Билим ва истеъдод соҳибалари

*Ёшлик — инсон умрининг энг жўшқин, қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун беқиёс имкониятлар даври. Иқтидор эса ўз вақтида аниқланиб, қўллаб-қувватланса, чинакам истеъдодга айланади. Шу маънода, мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган.*

## Эътибор

Хусусан, Юртбошимиз Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши юртимиздаги ўнлаб иқтидорли қизларнинг жамиятнинг энг фаол аъзолари бўлиб камол топишларида муҳим асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида фан ва таълим йўналишларида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар иштирокида илмий анжуман ўтказилди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб уюштирилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, пойтахтимиздаги илмий муассасалар раҳбарлари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш, истеъдод ва имкониятларини юзага чиқариш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бунинг натижасида улар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам ўз салоҳиятларини намоён этмоқда. Жумладан, ёш олима Д. Раҳматуллаеванинг нанотехнологиялар бўйича кашфиёти “Дунё нанотехнологлари” ташкилоти томонидан эътироф этилган бўлса, Г. Усмонова “Осиё — Америка” гепатологлари кенгаши аъзолигига, Д. Нажмиддинова ва Д. Каттахўжаева эса Жаҳон акушер-гинекологлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

— Мазкур анжуман илм-фан йўналишида совриндор бўлган дугоналарим билан учрашиш, улар фаолияти билан яқиндан танишиш имконини берди, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Замира Полвонниёзова. — Ушбу мукофотни бизга билдирилган юксак ишонч ва ғамхўрлик намунаси, деб биламиз. Шундай экан, ҳар биримиз унга муносиб бўлмоғимиз, юрт равнақига ҳисса қўшмоғимиз шарт.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Тадбиркорлик

*Олмалиқ шаҳридаги терини қайта ишлайдиган “Донг Да” масъулияти чекланган жамиятида чарм пойабзаллар тайёрлаш ўзлаштирилди.*

# Сифатли ва бежирим

Қисқа фурсатда бу ерда маҳаллий косиб ва ҳунармандлар томонидан “Устоз — шогирд” анъанаси асосида тикилаётган сифатли ва пишиқ оёқ кийимлар ички бозорда ўз харидорини топиб улгурди. Бунинг боиси пойабзалларнинг асл хом ашёдан ҳамда бежирим дизайн асосида тайёрланаётганидадир. Шунингдек, корхонага тўғридан-тўғри хориж сармояси ҳисобидан замонавий технологик жиҳозлар келтирилиб ўрнатилгани ҳам маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминламоқда. Қарийб қирқ киши меҳнат қилаётган “Донг Да” жамоаси дастлабки 155 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда тўғридан-тўғри хориж сармояси иштирокидаги 26 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мевали, ёнғоқли, шоколадли...

*Навоий шаҳрида “Ванғози плюс” хусусий корхонаси томонидан мевали, ёнғоқли, шоколадли музқаймоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда хорижнинг 20 миллион сўмлик замонавий ускунаси қўл келди.*

## Интилиш

— Автоматлаштирилган тарзда бошқариладиган ушбу технология мавсум давомида 16 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди корхона раҳбари Меҳриддин Ёдгоров. — Келгусида фаолиятимизга музқаймоқларни қадоқлаш технологик линиясини ҳам татбиқ этмоқчимиз.

Навоий шаҳрида жорий йилнинг биринчи ярмида 40 та тадбиркорлик субъекти ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилиши ҳисобига 180 та иш ўрни яратилди.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов номли маҳаллада жойлашган, майдони — 3050,0 кв. м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган, «Дилором» номли болалар боғчаси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 485 726 577 сўм.***

Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 11 майдаги 2-126-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Самарқанд кўчаси, 85 ва 87-уйларда жойлашган, майдони — 1736,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли, жами 50 хонадан иборат, 2006 йилда қурилиши бошланган яшаш уйи бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 299 290 392 сўм.***

Шунингдек, аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласида жойлашган, «Пахтаобод техник муҳандис» ММТПга тегишли, майдони — 158,46 кв.м., 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат А ва Б литерлардаги дала шийпони биноси бир қисми ошхона айвони билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 10 430 500 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 31 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк»и Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1369R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган:**

**I.** 2012 йил 11 июндаги 10-1109/18376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 269-уй манзилидаги, 4184 кв.м. ҳудудда жойлашган, бинонинг умумий майдони 1876 кв.м., 5 та блок («А» — 552 кв.м., «Б» — 355 кв.м., «В» — 600 кв.м., «Г» — 342 кв.м., «Е» — 27 кв.м.)дан иборат кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 850 824 544 сўм.***

**II.** 2011 йил 4 октябрдаги 1-738/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган 3 та блок («А» — 2052 кв.м., «Б» — 291 кв.м., «В» — 100 кв.м.) дан иборат кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 1 426 684 553 сўм.***

**III.** 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Шамсутдинова кўчасида жойлашган, 9 блок («Д» — 483 кв.м., «Е» — 453 кв.м., «Ж» — 1034 кв.м., «З» — 1652 кв.м. бўлган савдо комплекси ва ярим ертўла иншооти, «К» — 207 кв.м., «М» — 483 кв.м., «Н» — 453 кв.м., «О» — 395 кв.м., «П» — 65 кв.м. бўлган, 2010 йилда қурилган савдо комплекси)дан иборат савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 28-уйда жойлашган битта блокдан иборат бино.

***Бошланғич баҳоси — 800 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 21 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 21 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 12 октябрь куни бўлиб ўтади.

2012 йил 31 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, бино-иншоотнинг умумий майдони — 155,0 кв.м., асосий хоналар сони 12 та бўлган, 3 ва 7 хонадонларда жойлашган сартарошхона ва дўкон (офис) бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган тураржойнинг умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолари сони 2 та, ёрдамчи бинолари 7 та бўлган дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккачинор кўчаси, 10/2-уйда жойлашган 17-хонадон, фойдали майдони — 132,12 кв.м., асосий хоналар сони 4 та, яшаш хоналари — 78,37 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 274 680 000 сўм.***

**5.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳияда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шахобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шахобчаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ивлиев кўчаси, 14-уйда жойлашган, 2 қаватли битта бино, бинонинг умумий майдони — 748,0 кв.м., меҳмонхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 192 050 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 4611 кв.м., фойдали майдони — 1782,2 кв.м., чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**8.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдон — 836 кв.м., 3 қаватли бинонинг 1-қаватининг бир қисми, маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**9.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 15844 кв.м., фойдали майдони — 2898,3 кв.м., 15 та биноли ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1367R/505

*Лицензия: № 0039.*



## Молия муассасаларида

*Мамлакатимизда банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, молия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада банклар томонидан кўрсатилаётган қулай ва сифатли хизматларнинг кўлами кундан-кунга ортаётир.*

XALQ BANKI

# ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ САМАРАСИ

Мазкур жараёнда фаол иштирок этиб келаётган давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, у аҳоли учун энг яқин, ишончли ва мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ жойларида ўз бўлинмаларига эга бўлган нуфузли банклардан биридир.

Бугунги кунда Халқ банки Тошкент шаҳар филиалида ўзининг 209 та шохобчаси, яъни 14 та минибанки, 167 та касса ва 13 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали 120000 нафар жисмоний ва 7300 та юридик шахсларга ўз хизматларини кўрсатиб келаяпти. Бу кўрсаткич аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, доимий равишда ўзгариб бормоқда. Буни жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, жами активлар миқдори 272,5 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан 25,8 фоизга, 2007 йилдагига нисбатан эса 5,7 баробарга ўсганлигидан ҳам билиш мумкин.




Банк томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёш болали оналар, нафақа ёшидаги кексалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча турдаги нафақа ҳамда моддий ёрдам пуллари ажратиб келинмоқда. Пойтахтимиз бўйича ушбу маблағлар банк филиаллари томонидан ўз вақтида етказиб берилаётир.

Бошқача айтганда, банк томонидан 30 мингдан зиёд давлат ижтимоий кўмагига муҳтож бўлганлар, яъни пенсионерлар, 18 ёшгача бўлган болалар, 2 ёшгача бўлган болаларни парваришлаётган оналар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида умумий ҳисобда 40 миллиард сўм маблағ тарқатилди.

Бундан ташқари, Халқ банки жамоаси ҳукуматимиз томонидан юклатилган қатор масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ижроси самарали адо этилмоқда.

Халқ банки Тошкент шаҳар филиали томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 55 458 та корхона ва ташкилот билан шартномалар тузилди. 1 794 933 нафар ходимга эса анкеталар очилди. Натижада банк ҳисобига 193,5 миллиард сўм келиб тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш, янги фоизли омонат турларини мижозларга таклиф қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, аҳоли манфаатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бу ерда 17 та омонат тури мавжуд бўлса, шундан «Бунёдкор», «Коммунал хизмат», «Мустаҳкам оила» ва «Наврўз ифори» янги омонат турларидир.

Банк тизимида юритилаётган омонат ҳисоб рақамлари бугунги кунга келиб 2,5 миллионтага етди ва аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида банк ресурс базаси жорий йил бошидагига нисбатан 13 фоизга ўсди.

Банк томонидан аҳолини пул маблағлари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кредит сиёсати ҳам мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Улар учун янада қулай шартларда янги кредит турлари тақдим этилаяпти.

Жорий йил бошидан буён Халқ банки Тошкент шаҳар филиали томонидан қарийб 40 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, кичик бизнес субъектларини молиялашга 17 миллиард сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 9,3 миллиард сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,4 миллиард сўм кредит йўналтирилди. Бундан ташқари, банк томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган кредитлар умумий миқдори 12 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ажратилган бундай мақсадли сармоялар ҳисобига пойтахтимизда 500 га яқин иш ўрни яратилди. Шунинг ўзи ҳам банкнинг мамлакат ижтимоий барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигига мисол бўлади.

— 2010 йилдан бери ушбу банкнинг Чилонзор филиали мижозимиз, — дейди «Осиё ширинликлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ксения Ғуломова. — Жорий йилда ҳам қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги жиҳоз ва ускуналар харид қилиш учун кредит олдик. Энг муҳими, банкда маблағлар тадбиркорлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда берилаётгани айни муддао бўлаётир. Хусусан, биз олинган кредитдан оқилона фойдаланиб, нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантирдик, балки 25 та иш ўрни ташкил қилишга эришдик.

Яна бир мисол сифатида Олмазор туманида фаолият юритаётган «Grand Production» масъулияти чекланган жамиятини айтиш мумкин. Ушбу корхона қурилиш ташкилотлари учун бетон қоришмалари ишлаб чиқаради. Бу ерда иш ҳажмини ошириш мақсадида Халқ банки Олмазор филиали томонидан ажратилган кредит эвазига замонавий техника харид қилингани қўшимча 10 дан ортиқ иш ўринлари яратилишига замин бўлди.

Бундан ташқари, банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «Benimex Plyus» тикувчилик корхонасига янги тикув дастгоҳлари харид қилиш учун мақсадли кредит ажратилгач, бу ерда ҳам 10 га яқин иш ўрни ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, Халқ банки томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 41,6 минг донани ташкил қилгани, шунингдек, пластик карточкалар орқали тўловнинг янги тури — онлайн тизимига ўтиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилгани, умумий ҳисобда мижозларга 500 дан ортиқ янги терминаллар ва мингга яқин янги пластик карточкалар тарқатилгани бунинг исботидир. Эътиборлиси, бу ерда йил охиригача яна 400 га яқин терминал ва 10 мингга яқин пластик карточкалар фойдаланувчиларга топширилиши режалаштирилган.




Онлайн тизимидаги пластик карточкалар фойдаланувчиларга қулайлиги, ишончлилиги ва хавфсизлиги билан маъқул келмоқда.

Халқ банки ўз мижозларига нафақат анъанавий банк хизматлари, балки замонавий интерактив хизматлар кўрсатиш борасида ҳам кўпгина ютуқларга эришиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш, инфокиосклар, «Интернет банкинг» ва «Uyali pul» каби хизматлар орқали қулайлик яратилишида муҳим омил бўлаётир.

Ҳозирги кунда банкнинг юридик шахс мақомидаги мижозларининг вақтини тежаш ва иш унумдорлигини ошириш мақсадида уларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларни интернет орқали назорат қилиш ва бошқаришга имконият берувчи «Интернет банкинг» хизматидан 300 га яқин мижоз фойдаланаяпти.

Мухтасар айтганда, Халқ банки Тошкент шаҳар филиали жамоаси юксак тажрибали банк сифатида ҳозирги замон молия бозорида қўлланилаётган янги хизмат турларини татбиқ қилишга, мижозлар билан ишлаш сифатини оширишга, пировардида аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини юксалтиришга доимий равишда интилаяпти.

**Банк матбуот хизмати.**

# Халқ ижодиёти жозибаси

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида лапар ва ўлан ижрочиларининг анъанавий республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.*

## Танлов

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги олдидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, халқаро “Олтин мерос” жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар жамоалари иштирок этди.

Халқ оғзаки ижодининг мумтоз намуналарини асраб-авайлаш, унинг бардавомлигини таъминлаш баробарида ўлан ва лапар ижрочиларини қўллаб-қувватлаш, бетакрор ҳаваскорлик сарчашмаларидан халқимизни баҳраманд қилиш, ёшларнинг халқ ижодиёти ушбу турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган мазкур танловнинг дастлабки босқичларида ғолиб бўлган олтмиш нафар яккахон ўлан ижрочилари, жамоалар ижодий беллашдилар.

— Хоразм ўланлари ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди тадбир иштирокчиси, Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Динара Ибрагимова. — Ўйноқи оҳанглар, ҳазил-мутойибага йўғрилган шўх лапарларни тинглаганда ҳар қандай кишининг лабида табассум пайдо бўлади. Мазкур танлов лапар ва ўланчилик санъатини янада ривожлантириш, тарғиб қилиш ва бардавомлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Танлов ҳайъати хулосасига кўра, лапар бўйича биринчи ўрин Урганч шаҳри вакилларига, иккинчи ўрин эса қуваликларга насиб этди. Учинчи ўринга жиззахлик Гулчеҳра Хайруллина ҳамда Тошкент шаҳридан Ҳилола Хўжаева лойиқ топилди. Ўлан ижрочилиги бўйича эса, биринчи ўринни Тошкент вилояти вакиллари, иккинчи ўринни Асака ва Сирдарё туманларидан келган иштирокчилар эгаллашди. Навбаҳор ҳамда Косонсой туманлари ўланчиларига эса учинчи ўрин насиб этди.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**М. КАРИМОВА.**

● Реклама ва эълонлар ●




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**

**Давлат божхона қўмитасининг «HCVM-3026» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича**

***танлов эълон қилади.***

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда, алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Давлат божхона қўмитасининг «HCVM-3026» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов бўйича таклифлар эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддатда қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Тошкент вилояти божхона бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-86-26, 120-86-10.**

1361R/985




«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.05 1 2 3 4 5